

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (10.906)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 51-мактабда Хамид Олимжон номидаги маданият уйи ҳамкорлигида ўтказилган саводхонлик байрами тадбирида ўқитувчилар, 1-синф ўқувчилари, ота-оналар иштирок этди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан туман фаоллари, тadbиркорлар иштирокида ўтказилган семинар халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоб механизмини ривожлантириш, шартномавий муносабатлар узлишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида «Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган ёшлар анжумани «Биз мустақил юрт фарзандларимиз» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** журналистлари иккундлий уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган тadbирда Қашқадарь вилоятидан келган журналистлар— Халқаро «Олтин қалам» мукофоти совриндорлари иштирок этди.

● **КЕЧА** Тошкент Молия институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Оила — никоҳ ва қону» мавзусида ўтказилган анжуман Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **Ўқувчиларнинг** ёзи таътил кунларининг мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази томонидан ёшлар ўртасида «Ватан — оstonдан бошланади» деб номланган кўрик-танлов уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗЛАРИНИНГ ЮКСАК СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИЧКИ БОЗОРНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ТОВАРЛАРНИ ХОРИЖ ХАРИДОРЛАРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАН, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРАЁТГАН КОРХОНАЛАРИМИЗ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА ҚЎШАЁТГАН САЛМОҚЛИ ҲИССАЛАРИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.



Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Фотон» акциядорлик жамияти тadbиркорларининг кейинги йиллардаги изланишлари самараси ўлароқ тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат харидорларимизга маъқул бўлмоқда, балки хорижий истеъмолчиларни ҳам жалб этмоқда. Бунинг асосий боиси эса корхонада чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга, рационализаторликка кенг миқёсдаги қаратилган эътибор ҳамда техника модернизация ишларининг босқичма-босқич амалга оширилатганидир. Энг асосийси эса тadbиркорлар ички имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бозорбоқ маҳсулот турларини кўпайтиришмоқда. Ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар эса буртма асосида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ўтган йилда корхона аҳли томонидан 2 миллиард 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорағида бир миллиард сўмликка яқин маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги изланиш ва сайъ-ҳаракатларнинг яққол далилидир. Корхонада тайёрланаётган фотозлектрон станциялар, катта ўлчамдаги рангли телевизорлар, телефон аппаратлари, энергияни тежовчи лампалар, қуёш нуридан электр энергиясини йиғувчи станциялар, радиоэлектроника санатидида ишлатиладиган диод ва транзисторлар, физика ва электротехника дарслари учун жиҳозлар ана шулар жумласидан бўлиб, жамоа назорат-касса аппаратлари тайёрлаш бўйича республикада ягона ҳисобланади. Бу-

гунги кунда эса корхона аҳли янги маҳсулот— DVD ишлаб чиқариш йўлида самарали изланишлар олиб бормоқда ва яқин келгусида ушбу сифатли товар билан ўз харидорларини мамнун этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган корхонага Россия, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа давлатларнинг йирик компаниялари қизиқиш билдирмоқдаки, бу келгусида улар билан фойдали шартномалар имзолашда муҳим аҳамият касб этади. Албатта маҳсулотлари ҳам кўпаяди, экспорт ҳажмини ҳам ошириш кўзда тутилмоқда. Экспорт ҳажмини йилдан йилга оширишни кўзлаётган «Фотон»чилар ўтган икки йилда кўплаб хорижий давлатлардаги корхоналар ҳамда Савдо уйлари билан ҳамкорлик қилди. Натижа эса кутилганидан зиёда бўлиб, четга маҳсулот сотиш ҳажми анча ортди. Шу боис ҳам 2006 йилда бир миллион 300 минг АҚШ долларлик товарлар экспорт йўлга қўйилди. Жорий йилнинг биринчи чорағи кўрсаткичи эса экспорт бўйича 340 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Албатта, сифатли маҳсулотнинг бозори чаклон бўлади. Шу боис ҳам сифатга қаратилаётган юксак эътибор корхона маҳсулотларининг ўз вақтида сотилишида муҳим омил саналмоқда. Чунки харидор дид ва эҳтиёжи доимий ҳамда мукамал ўрганилмоқда.

Жорий йилда корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна бир нечтага кўпайиши режалаштирилган бўлиб, улар сафига қуёш электростанциялари ва замонавий телефон аппаратлари қўшилади. Айни кундаги сайъ-ҳаракатлар ана шундан далolat бериб турибди.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: корхона технология Фуракат Собитов малакали мутахассислардан саналади; чехда иш қизгин. Козим Ўлмасов олган суратлар

Универсиада — 2007

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН КЕТМОҚДА



ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ 21-24 ИЮН КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА - ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА «УНИВЕРСИАДА — 2007» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Мазкур мусобақаларга 2000 йилда асос солинган бўлиб, бу йили туртинчи мартаба ўтказилаётди. Универсиада 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри жамоалари таркибидидаги ҳаваскор спортчиларнинг яқунловчи — республика босқичидаги беллашуви ҳисобланади. Дастлабки ўйинлар эса ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб жорий йилнинг март ойига қадар институтлар жамоалари ўртасида ва олий ўқув юртларидан ўтказилди.

Юқорида қайд этилган Қарорга биноан «Универсиада — 2007» мусобақаларининг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмаси ва Тошкент темир йўл мухандислари институти (ТТИМИ)нинг спорт жамуаларида ўтказилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу минзиллар бўйича Универсиада олдидан қизгин тайёрларлик ишлари олиб боришмоқда.

ТТИМИни том маънода темир йўл транспорти соҳаси учун кадрлар етиштириб беришчи асосий даргоҳ десак муболага бўлмайди. Қолаверса, у ушбу йўналиш бўйича Урта Осиёдаги ягона олий ўқув юрти ҳамдир. Яқинда 75 йиллигини кенг нишонлаган бу институт ўз вақтида фақат минтақа микёсида эмас, балки ҳаволи барча Мустақил ҳамдуст-

лик давлатлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаган.

— Бугунги кунда институтда ташишни ташкил этиш ва бошқариш, иқтисодиёт, электромеханика ва курилиш каби тўртта факультетда 3,5 миңдан зиёд талаба тахсил олади. Ҳар йили эса 500 га яқин ўғил-қизларимизни тегишли ихтисосликлар бўйича учирма қилсак, шу асосда қабул меъёрилари ҳам ўрнатилди, — дейди институт ректори Анвар Одилхўжаев. — Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, Тошкент Темир йўл мухандислари институти «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси негизидидаги олий ўқув юрти ҳисобланади ва компания битирувчиларимизни иш билан тўлиқ таъминлашни ўз зиммасига олган, яъни бу борада муаммо йўқ демоқчиман. Бундан ташқари, аспирантура ҳамда магистратура бўлими ҳам ташкил этилган.

Дарҳақиқат, мазкур олий ўқув юрти қошида темир йўл соҳасига оид тadbиркорлик олиб борувчи бўлажак олимлар ҳам фаолият юритади ва таъкидлаш лозимки, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда институт устоз-мураббийларининг асосини ташкил этади. Бу ерда икки нафар академик, 24 та фан доктори ва юздан зиёд фан номзоди талабаларга билдим бермоқда. Институт 600 миң нусхадаги илмий, ўқув-услугий ва бадий адабиётлардан иборат кутубхонага эга. Замонавий компьютер залларида 20 дан кўп мамлакатларнинг ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган нуфузли олий ўқув юртлари билан суртдан масофали таъриба алмашиш тadbирлари тез-тез ўтказиб турилади.

Тошкент Темир йўл мухандислари институтининг яна бир муҳим аҳамиятта молик жиҳати ҳақида гапириб ўтиш ўринлидир. Олийгоҳ билан ёним-ён, бир

ҳудуднинг ўзида ихтисослашган академик лицей ҳам очилган бўлиб, бу ерда 500 га яқин ўсмирлар темирйўлчи касби сир-асрорларидан илк сабоқ олади.

— Бу касбга меҳр кўйган ёшларимизнинг кўпчилиги учун институт фақат илм даргоҳи бўлибгина қолмасдан, балки бир оила каби яшаш масканига ҳам айланган, — деди ТТИМИ биринчи проректори Абдуллазиз Ортиқбоев. — 20 гектардан иборат худудда барча шарт-шароитлар яратилган 850 ўринли талабалар турар жойлари ҳам бор. Универсиада олдидан эса ҳозирда бу ерда таъмирлаш ва янги жиҳозлар билан таъминлаш ишлари авж олган. Уйлаймизки, бу сайъ-ҳаракатларимизга ортиқча изох бериш шарт эмас: меҳмонларни юқори савияда қутиб олишга одатланганмиз. Шу билан бирга «Универсиада — 2007»нинг волейбол, дзюдо, кураш, белбоғли кураш, шахмат, теннис ва футбол бўйича етти турдаги мусобақаларининг институтининг спорт жамуалари майдонларида ўтказилиши ҳам биз учун катта эътибор белгисидир.

Институт раҳбариятидан олинган ахборотларга қараганда, спортчиларнинг мусобақалардан ташқари вақтини ташкил этиш борасида шу ернинг ўзида «Магистраль» ошхона-каҳвахонаси ва иккита буфет хизмат кўрсатади. Овқатланиш шохобчалари бевосита талабалар турар жойларида ҳам уюштирилади. «Универсиада — 2007» ташкилий қўмитаси томонидан иштирокчилар учун махсус маданий дастур, шу жумладан уларнинг яшаш жойларида ҳам тайёрланмоқда. Қўшимча тарзда институт ўз ички имкониятларини ҳам намойиш этиш истағида. Кўплаб танловларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган «Шукрона» фольклор-этнографик ансамбли, «Дилра-

бо» эстрада гуруҳи, «Нихол» театр-студияси ва «Нон-стоп» қувноқлар ва зуккоқлар жамоаси ҳам Универсиадага алоҳида дастур ишлаб чиқишни кўзда тутган. ТТИМИнинг маънавият ва маърифат маркази ахборотига кўра, шу кунларда миллий чолғу-асбоблар ансамблини ҳам тузиш ҳаракати яқунлашиб, янги гуруҳнинг тadbиротининг спорт байрами доирасида ўтиши кутилмоқда. Шунингдек, институт қошидаги «Ибн Сино» соғломлаштириш маркази ва бошқа бирламчи хизматларнинг ҳам мусобақа кунлари туну кун ишлаши режалаштирилмоқда.

ТТИМИ жамоаси шаҳар ва республика микёсида ўтказиб келинаётган мусобақаларда голиблик нашидасини сурган ва совринли ўринларни эгаллаган талабаларни гурур билан тилга олади.

— Тошкент шаҳри терма жамоасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ёшларимиз бу сафар ҳам ишончимизни албатта оқлашди деган умиддамиз, — алоҳида таъкидлаб ўтди Анвар Одилхўжаев. — Аввалги ўтказилган Универсиада ўйинларида талабаларимиз битта олтин ва учтадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишган... Айтишадикки, ҳар қандай соғлом беллашувда муҳими галаба эмас, балки иштирок этишдир. Аммо қўл остингда тарбия кўраётган ўғил-қизлар бошқа ёшларимиз қаторида совринли ўринларни эгалласа, ҳаттоки шохсупани ҳам забт этса, шубҳасиз, ҳар биримизга — ўқитувчи ёки талаба бўладими — гурур-ифтихор бахш этади, барчанинг дилини ҳаракатларимиз бежиз эмаслигидан таскин беришчи, қолаверса қаноатлантирувчи туйғу камраб олади. Бундай дақиқаларни ҳис этиш биз учун энг олий мукофот деб биланам...

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жорий йилнинг 24-26 май кунлари Самарқандда шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан «Самарқанд шаҳрининг умум-башарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Европа ва Осиёнинг ўндан ортиқ давлатларидан 200 нафардан ортиқ таниқли тарихчилар, археологлар, шарқшунослар маърузалари билан ушбу симпозиумда қатнашиш истагини билдирдилар.

● Бухоро вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 2750 тоннадан зиёд сифатли хом ашё топшириб, шартнома мажбуриятини ошиғи билан бажарди. Ромитан, Олот, Вобкент ва Бухоро тумани пиллакорлари вилоят хирмонига айниқса салмоқли улуш қўшишди.

● Тошкентда Республика давлат архивларида фуқароларни қабул қилиш ҳамда уларнинг муносабатлари ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

● Учқўрғон туманидаги Қайки қишлоғининг Файзиобод маҳалласида замонавий қишлоқ шифокорлик пункти ишга туширилди. Ҳомийлар кучи ва маблағи билан тикланган ушбу шифо маскани тегишли дастур доирасида 4,5 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

● Фольклор-этнографик жамоаларнинг «Навқирон Самарқандга таъзим» республика кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи яқунланди.

● «Оҳангаронцемент» очик акциядорлик жамиятида маҳсулотни сотиш ҳамда бюортмачиларга етказиб бериш каби хизмат турларини компьютер ёрдамида бошқаришга ихтисослашган бўлини фаолияти йўлга қўйилди.

● «Шарқ — Фарб. Тошкент чорраҳаси» мавзусидаги тарихий суратлар ва видеоларлар санъати бўйича Тошкент халқаро фестивалининг Хоразм вилоятидаги босқичи Хива шаҳрида бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳридаги Маданият ва санъат коллежида Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочилари анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи нияҳасига етди.

● Қумқўрғон туманининг миңдан ортиқ оила истиқомат қиладиган Арслонбойли, Очамойли маҳаллаларига 8,5 километр узунликда қувар тортиб келиниб, газ билан таъминланди.

● Оҳангарон тумани «Тadbиркор аёллар уюшмаси»нинг сайъ-ҳаракати билан фермерлик фаолиятига оид энг долзарб масалалар юзасидан махсус ўқув машғулоти ташкил этилди.

● Тошкент Кимё-технология институтида илк бор «Табийи фанлар ва кимё технологиядан компьютер методлари» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Ливан армияси ҳамда фаластинлик жангарилар ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида келишиб олишди. Айтиш керакики, ўтган кун давомидидаги отишмалар чоғида Триполи шаҳрида 80 га яқин киши ҳаётдан қўз юмди.

● Украина Конституцион суди мамлакат Президенти Виктор Юшченконинг 2 апрелдаги Олий Радани тарқатиб юбориш тўғрисидаги Фармони кўриб чиқишни тўхтатди. Айни пайтда Конституцион суд Президентнинг 26 апрелдаги Фармони ўрганмоқда. Ушбу Фармонда Юшченконинг ўзи биринчи қарорини бекор қилган ва Олий Радани қайтадан тарқатиш ҳамда 24 июнда муддатидан илгари парламент шайловларини ўтказиш кўрсатилган.

● Минскда ўтказилган Беларусь Президенти Александр Лукашенко ҳамда Эрон давлати раҳбари Махмуд Аҳмадинажот ўртасидаги музокаралардан сўнг икки давлат раҳбари нефть ва газ соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан шартнома имзолашди. Унга кўра тез орада Беларусь Эрондаги қонлардан нефть ва газ қазиб олишни бошлашди.

● Италияда «Ал-Италия» авиакомпанияси ходимларининг иш ташлаши муносабати билан жами 400 та (шундан яримдан кўпи халқаро) рейслар амалга оширилмади.

● Кеча Туркия пойтахти Анкаранинг тарихий қисмидаги автобус бекатида террорчи-камакадзэ томонидан амалга оширилган қучли портлаш натижасида тўрт киши ҳаётдан қўз юмди, 50 га яқин киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Сомалининг Мерка портига яқин сувликда БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастурига тегишли инсонпарварлик кemasига ҳужум уюштирилди. Қароқчилар 4 миң тонна озиқ-овқат ва дори-дармонларни кема экипажидан тортиб олди. Ушбу оқлар Сомалининг ёрдамга муҳтож қашшоқ аҳолисига етказиб берилиши лозим эди.

● АҚШнинг Айдахо штатида ҳаракат қилаётган снайпер жиноятчи зарарсизлантирилди. Айтиш керакики, ушбу штатнинг Москоу шаҳридаги черковга жойлашган номаълум шахс 11 соат мобайнида автоматдан қишларга қарата 75 марта ўқ узган. Маълумотларга кўра ушбу жиноятчи ўқидан икки киши яраланган, бир киши ҳаётдан қўз юмган.

ОБ - ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 24 май кунги Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Тиббиёт масканларида

ЭЛ ДАРДИГА КАМАРБАСТАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, ТУРЛИ ХИЛ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНАН БАҚУВАТ, СОҒЛОМ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР. ШАҲРИМИЗДАГИ БИР ҚАТОР ШИФО МАСКАНЛАРИДА САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСОНЛАРИ ХАЛҚИМИЗ СОҒЛИГИНИ ТИКЛАШДА ТУНУМ КҮН КАМАРБАСТА БЎЛМОҚДАЛАР.

Миробод туманида жойлашган 1-сон Республика клиник шифохонасида ҳам ўз касбига меҳр қўйган малакали шифокору ҳамширалар беморлар дарди-га малҳам бўлиб, эл дуоси раҳматини олишмоқда. Ушбу масканда бош шифокор Азиз Ибрагимов раҳбарлигида ҳар бир бўлимда беморларга кўрсатилаётган муолажа илқ муносабат тахсин-га сазовордир. Жумладан, шифохонанинг асаб касалликлари бўлими фаолияти билан танишар эканмиз, бўлимдаги тартиб-интизом, озодалик эътиборимизни тортди.

— Мазкур бўлим 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, республикамизнинг турли вилоятларида беморлар ўз саломатликларини тиклаш учун бу ерга йўланма билан келадилар.— дейди асаб касалликлари бўлими мудири Мустафо Ҳалимов. — Бўлимида асаб тизимида учрайдиган қон томир касалликлари, мия қон томир касалликларининг ўткир ва сурункали бузилишлари, шу касалликларнинг асоратлари, асаб тизимининг аялиғлини, тутқаноқ хуружи

билан кечувчи касалликлари, ирсий асаб тизими касалликлари, бош мия ва орқа мианинг жароҳатларидан кейинги асоратлар билан оғриган беморлар даволанадилар. Беморларни даволашда дори-дармонлар билан биргаликда физиотерапевтик муолажалар ҳам қўлланилади. Физиотерапия бўлимида уқалаш, электр билан даволаш, умуртка погонасини тартиб муолажалари ҳар бир беморга алоҳида режа асосида амалга оширилади. Шунингдек, шифобахш ванна, айланма душ, парафин, нина билан даволаш, жисмоний тарбия билан даволаш машқлари беморларнинг саломатликларини тиклашда яхши самара бермоқда. Бундан ташқари бўлим шифокорлари бошқа бўлимларда даволанаётган бемор-



Дарҳақиқат бўлим етарли тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда беморлар дардига малҳам бўлиб келаётган тажрибали шифокорлардан Мавжуда Ахролова, Ақида Камбаров, Мўтабар Ишмуротова, Дилафрўз Аҳмедова сингари ўз ишига маъсуллик билан қаровчи, ҳушмуомала ва наққон ҳамширалар меҳнатидан беморлар доимо миннатдорлар. Яна шуни айтиш жоизки, мазкур клиник шифохона неғизда гуманитар ёрдам тариқасида дори-дармон ва тиббий жиҳозлар олинади. I ва II гуруҳ ногиронлари, уруш қатнашчилари имтиёзли равишда бепул дори-дармон ва овқат билан таъминланадилар.



Халқ соғлиги— юрт бойлиги, деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, халқ миллият саломатлиги Ватан тараққиёти учун муҳим масаладир. Халқ саломатлиги йўлида заҳматқош билан меҳнат қилаётган мазкур шифо масканининг тиббиёт ходимлари ҳамиша эл дуосини олишга сазоворлар.

Дарҳақиқат бўлим етарли тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда беморлар дардига малҳам бўлиб келаётган тажрибали шифокорлардан Мавжуда Ахролова, Ақида Камбаров, Мўтабар Ишмуротова, Дилафрўз Аҳмедова сингари ўз ишига маъсуллик билан қаровчи, ҳушмуомала ва наққон ҳамширалар меҳнатидан беморлар доимо миннатдорлар. Яна шуни айтиш жоизки, мазкур клиник шифохона неғизда гуманитар ёрдам тариқасида дори-дармон ва тиббий жиҳозлар олинади. I ва II гуруҳ ногиронлари, уруш қатнашчилари имтиёзли равишда бепул дори-дармон ва овқат билан таъминланадилар.

Халқ соғлиги— юрт бойлиги, деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, халқ миллият саломатлиги Ватан тараққиёти учун муҳим масаладир. Халқ саломатлиги йўлида заҳматқош билан меҳнат қилаётган мазкур шифо масканининг тиббиёт ходимлари ҳамиша эл дуосини олишга сазоворлар.

**Дилорам ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: 1-сон Республика клиник шифохонаси асаб касалликлари бўлими фаолиятидан лавҳалар. Равшан Шокиров тўган суратлар.**

КИШИЛАР СОҒЛИГИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ БУГУНГИ КҮННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИДИР. ШАҲРИМИЗДАГИ МАВЖУД ШИФОХОНАЛАР, ОИЛАВИЙ ВА МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР АЙНАН ШУ МАҚСАДДА ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Туманларда ҲУҚАРОПАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ МУҲОҒАЗАДА

Собир Раҳимов туманидаги ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникада ҳам инсонлар саломатлигини муҳофазалаш, тиклаш ва назорат қилиш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, ташхисни аниқ қилиш ва тиббий кўришни тартибли тарзда йўлга қўйиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

— Поликлиникамизнинг ташкил топангига яқинда 50 йил тўлади, — дейди биз билан суҳбатда ушбу даволаш масканининг бош шифокори Сабоҳат Шорасулова. — 26.000 нафар аҳолига намунали тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасамизда инсонлар соғлигини тиклаш, даволаш, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишларига катта эътибор билан қаралади. Поликлиникамизда беморларнинг ётиб даволанишлари учун ҳам 20 кишилик ўрин ажратилиб, барча шарт-шароитлар билан таъминланган. Қачонки ҳар бир оила аъзоси соғлом, зехни тийрак, руҳан тетик бўлса ўша оилада хотиржамлик, шодомонлик, ҳар қандай ишда унум ва барақа, яшаш тарзида эса ҳаловат бўлади. Жаҳиятимиз фаровонлиги, хотиржамлиги, юртимиз юксалиши ҳам инсонлар саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, соғлом инсонгина соғлом фикрлай олади, ватанимиз равнаки, тараққиёти, ободлиги йўлида хизмат қилади. Ҳар бир киши ўз саломатлигини ўзи назорат қилиб борса, соғлиги учун ўзини бирдай маъсул сезса ўйлайманки, турли хил касаллиқлар ҳам камайиб боради. Соғлиқ энг катта бойлигимиз бўлгани учун ҳам уни ҳар доим ва ҳамшиша асраб-авайламоғимиз шарт.

Дарҳақиқат, мазкур поликлиникада барча шартлар кўнгилдагидек яратилган. Иккита умум амалиёт шифокорлар бўлими, лаборатория ва рентген хоналари, УЗД, ЭКГ, флюорография аппаратлари турли касалликларни аниқлаш, ташхисни тўғри қўйиш борасида ҳеч қандай хатоларсиз хизмат кўрсатмоқда.

Тор доирадаги мутахассислар, кардиолог, терапевт, лор, невропатолог, хирург, окулист, ревматолог, пульмонолог, эндоскопист жами 54 нафар иктидорли шифокор ва 86 нафар тажрибали ҳамширалар аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида ўз касбига астойдил ёндашиб хизмат қилмоқдалар. Уттиз йилдан ошқироқ вақт давомида фаолият юритиб келаётган шифокорлар Мавлуда опа Юнусова, Гулшода Абдурахмонова ва Сайёра опа Умарова эса ўзларининг машаққатли ва шарафли касбларидан мамнун бўлиб, ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқдалар.

Инсон саломатлиги йўлида хизмат қилаётган ҳар бир шифокор ва ҳамшира ўз касбини севиши, маъсулиятни хис қилган ҳолда ишига ёндашиши, энг муҳими, ҳам руҳан, ҳам маънан даволочи заҳматқош бўла олиши шарт. Умид қиламизки, мақоламида таърифини келтирган поликлиника жамоаси бундан кейин ҳам ўз ишининг жонқурлари, фидойилари бўлиб халқнинг дуоси-ю раҳматига сазовор бўлиб фаолият юритаверадилар.

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА

Мутахассис оғохлантиради СОҒЛИҒИМИЗ — ЎЗ КҮНЛИМИЗДА

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, ЭНГ АВВАЛО, УНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИГА БОҒЛИҚ. ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ ЯШАЙМИЗ, ОВҚАТЛАНАМИЗ, ҚАНДАЙ ҲАВОДАН НАФАС ОЛАМИЗ, ШАҲСИЙГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАМИЗИ, ВУЖУДИМИЗНИ АССОСИЗ РАВИШДА ЗҶҲИҚТИРМАЙМИЗИ—БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ УЗОҚ ВА СОҒЛОМ УМР КЕЧИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ ҲИСОБЛанади.

эмас, деганларидек, уни дуч келган нарса билан тўлдириш, аччиқ ва шўр нарсаларга ружу қилиш мутлақо ярамайди.

Мутахассисларнинг фикрича, ўта кеч овқатланадиган кишиларда кейинчалик турли хасталиқларга чалиниш эҳтимоллари кўп бўлар экан. Бундай кишилар яхши ухлай олмасликлари, ўт қопларида тош пайдо бўлиши алақачон исботланган.

Халқимизда нима кўп—тўй-ҳашам, меҳмондорчилик кўп. Каерга борманг, дастурхонга камида уч-тўрт хил таом, салатлар, пиширилар қўйилади. Ёзининг иссиқ кунлари улар тез бузилиши, истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Лекин, шунга қарамай, аёлларимиз иштирокидаги кўплай йиғинларда, худди кимодди мусобақаси бораётганидек, дастурхонга устма-уст таомлар тортилаверди.

Албатта, ҳаётимиздаги қувончли

қунларда ҳаммаши мехмонларнинг кўнглини олишига ҳаракат қиламиз, елиб-югуриб, бири-бирдан ширин ва мазали таомлар пиширамиз. Олинг-олинг, деб мулозамат қиламиз. Бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Бундай меҳмоннавозлик халқимизнинг энг яхши феълиятлари аслади. Аммо шунча ҳаракатимиз, сарф-ҳаражатларимиз кўпича беқор кетади. Чунки тайёрлаган таомларимизнинг бир қисми исроф бўлади.

Урф-одат, таомил дегани, менинг назаримда қотиб қолган, ўзгартириб бўлмайдиган нарсалар эмас. Бинобарин, меҳмоннинг кўнглини олиш учун еттига қозонда овқат пишириш шарт эмас, бунинг учун таомдан кўра ҳам зарур ва керакли нарсаларимиз бор-қў?!

Матлуба МҶДИНОВА,
Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали шифокор-услубчиси

Сўраган эдингиз... НОСВОЙ — КОНИ ЗАРАР

Хурматли таҳририят ходимлари. Менинг ёшим 48 да. Бир неча йилдан буён носвой чекаман. Кейинги йилларда соғлигим ёмонлашиб борапти. Бу носвойнинг таъсиридан, деб ўйлайман. Иложи бўлса, носвойнинг саломатлиққа таъсири ҳақида маълумот берсангиз.

Ш. ОТАБОВ,
Юнусобод тумани

Носвой - (Ўрта Осий маҳоракиси), оҳак, ўсимлик кули ва экзотик компонент аралашмасидир. У гўёки «камбағаллар учун чилим» ҳисобланади. Нос ҳам захардир. Республика онкологик марказининг маълумотига кўра оғиз бўшлиғи саратони билан касалланганларнинг 80 фоизи носвой истеъмол қиладиганлардир. Носвойнинг қўлбола усулларида тайёрлангани етмагандай, ҳар бир аралашманинг таркиби ҳам маълум эмас. Уни ҳар бир қишлоқда тайёрлаш усуллари ҳам ҳар хил. Ўзининг «миллий аънаси»га кўра унга гиванд модда қўйиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Бу катталар учун носвойда қўлланилади. Наркологлар носвойнинг таъсирини ўрганиб чиқиб, унинг психотроп модда эканлигини эътироф этишмоқда. Носвой истеъмол қилувчи кишиларда хотира муаммолари ва паршиохотирлик вужудга келади. Фикрлаш қобилияти бузилади. Хулоса қилиб айтганда, носвой ҳам тамаки сингари инсон организми учун қони зарар. Узок умр кўришни истасангиз носвой чекишга одатланманг.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا НОМЗОДЛАР ТАРИХИЙ РОМАНЧИЛИГИМИЗНИ БОЙИТГАН АСАР

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАРИХИДА ТАРИХИЙ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР ҲАМИША ҚИЗҚАРЛИ БҰЛГАН ВА ЎЗИГА ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРНИ ТОРТИБ КЕЛГАН. БУ БОРАДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ЎЗ АНЪАНАЛАРИГА ЭГА.

Устоз Абдулла Қодирийнинг "Утган кунлар"идан бошлаб, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Ойбекнинг "Навоий", Одил Ёқубовнинг "Улугбек хазинаси", "Қўхна дунё", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунар", "Авлодлар дово-ни", "Она лочин видоси" каби асарларини ҳеч иккиланмай жаҳон тарихий романчилигининг яхши намуналари дейишимиз мумкин. Бу анъана ўзбек адабиётида бутунги кунда ҳам муносиб давом этаётди. Биз бу ўринда буюк Сохибқирон Амир Темур ва темирўлар ҳақида яратилаётган асарларни кўзда тутоқдамиз.

Сўнгги йилларда бу мавзуда ўнлаб бадий асарлар яратилди. Уларнинг энг саралари сифатида Абдулла Ориповнинг "Сохибқирон" драматик достони, Бўрибой Аҳмедовнинг "Амир Темур" тарихий ҳужжатли романи, Мухаммад Алининг "Сарбадорлар" дилогияси, "Улуг салтанат" тарихий роман-дилогиясини айтишимиз мумкин. Давом эттиривасек, бу рўйхат анча узун бўлади. Ушбу кичик мақоламида бевосита Мухаммад Алининг "Улуг салтанат" асари ҳақидаги фикрларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

"Улуг салтанат" тарихий роман-дилогиясининг биринчи китоби Сохибқироннинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзога, иккинчи китоби эса кейинги ўғли Умаршайх Мирзога бағишланган. Уларда ўрта асрларнинг иқтимоий муҳити ўзининг ёрқин ифодасини топан, Амир Темур тузган салтанатнинг шаклланиш жараёнлари, маҳобати, шўҳри, ташвишлари жуда синчковлик билан зоҳирли равишда ёритиб берилгани, улар ўқувчини ўзига тортади.

Муаллиф китобнинг биринчи қисмига "олам ахлининг амрзодаси" Жаҳонгир Мирзо номини қўйиш бежиз эмас. Сабаби, Амир Темурнинг сукули ўғли, валаҳад Жаҳонгир Мирзо образи шу кунгача адабиётимизда асосий қаҳрамонлардан бири сифатида тасвирланмаган. У том маънода адабиётимизда янги образ. Жаҳонгир Мирзо Сохибқироннинг тўнғич ўғли ва салтанатнинг валаҳад эди. Амир Темур унга катта умидлар боғлади, келажақда салтанатни бошқаришни унга топширмоқчи эди. Амир Темур авлодлар тақдирини ўйлаб, насл-насаб, келин олиш, қиз чиқариш масалаларида жуда инжиқ ва талабчан бўлганлигини ёзадилар. Чиндан ҳам шунинг эди. Жаҳонгир Мирзонинг Хоразм маликаси, ўша замоннинг етуқ, худса танҳо, ақли ва доно, паричеҳра Хонзода хонимга уйлантирадilar. Ёзувчи икки ёш ўртасидаги гоёйбона муҳаббатни катта маҳорат билан тасвирлайди. Романи ўқир эканмиз, ўн саккиз ёшли Жаҳонгир Мирзо билан ўн беш ёшли дурри якто Хонзода хоним ўрталаридаги муҳаббат Лайли ва Мажнун, Тохир ва Зухролар муҳаббатидан ортик бўлса ортиқки, кам эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Икки ёшнинг катта тўйи тасвири, уларнинг бахтиёр кунлари, интиқ уршувлари, висол онлари тасвирларини қўлдан қўймай ўқийсан кичи.

Шуниши диққатга сазоворки, асарда ўша даврда оилада қизлар тарбиясига эътибор юксак даражада бўлганлигини, деярли барча зийли оилаларда қизлар махсус ўқитилганлигини, билим олишларида алоҳида шароитлар яратилганлигини кўрамиз. Бундай далиллар қадимда Шарқда аёлларга қўри, буюм сифатида қараларди, улар ёлпасига саводсиз эдилар, дегувчиларга раддиядек янграйди.

Жаҳонгир Мирзо Ёигирига ёшида, тўйларидан кейин бор-йўғи икки йил ўтиб, касалликка чалинади ва Сохибқироннинг ҳам, малика Хонзода хонимини ҳам қамларга чулба оламан кўз юмади... Адиб ана шу мусибатни тасвирлар экан, Амир Темурини ҳам, Хонзода хонимни ҳам саботли инсонлар сифатида талқин этади ва инсоний муносабатларини ёрқин кўрсатиб беради. Романда тасвирланишича, Амир Темур тўй маҳали Хонзода хонимни келимин эмас, қизим дейди, ўғли вафотидан кейин эса, қизим эмас, энди ўғлим ўрнида ўғлим, деб маликанинг ўқсаган кўнглини қўтарди. Бу Сохибқирон қалбининг руҳан бой ва буюкчилигини намоён этади.

"Умаршайх Мирзо" деб номланган иккинчи китобда Амир Темурнинг ўз давлатини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари, Олтин Урда хонлиги билан бўлган муносабатлар тасвирланади. Романда Амир Темур ва Олтин Урда хонми Тўхтамышхон муносабатлари тарихи анча батафсил қаламга олинган. Шу ерда бир нарсани диққатни қаратишни лозим деб ҳисоблаймиз. Ёзувчи ўз асарига воқеалар, жанрларни тасвирлаш, ёритишни асосий мақсад қилиб олмайди. Асосий мақсад бошқа — ўша воқеалар фондида инсон ва шахс тақдирини бериш. Бу жуда муҳим. "Улуг салтанат"да воқеалар, жанрлар, қизиқ фактлар ва ҳоқозолар қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини очишда ёки ўша инсон ва шахс тақдирини тасвирлашда бир воситага эканлигини кўриб ёзувчига хурматинг ортади. Ёзувчи табиат тасвирига алоҳида эътибор беради. Табиат манзараларини тасвирлар экан, уларга қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, ҳис-туйғуларини, қувонч ва изтиробларини уйғунлаштириб юборади. Натижада асарнинг таъсиричанлиги бениҳоя ортади.


Асарда берилган Амир Темурнинг тулпори учқурқанот Хонўғлон тақдир ҳақидаги саҳифалар кишини бағоят тўқинлантиради. Фақат тил-забони йўқ, фаросатда жуда сезгир тулпорнинг аччиқ қисмати таърифлари жуда ишонarli. Хонўғлон бамисли инсондай фикрлайди, Амир Темурга талпиниб туради, бегона одамга(Тўхтамышхонга) садоқат кўрғизмайди. Умуман, Хонўғлон образи тасвири адабиётимизда от ҳақида ёзилган энг ёрқин саҳифалардан бўлиб қолади, деган фикрдамыз.

Муаллифнинг ижодий ютуғини шунда деб биламизки, асарда Сохибқирон Амир Темур ҳаётининг барча қирралари — юрт озолиги учун кураш, амрлар ўртасидаги келишимчиликлар, оилага бўлган муносабат, фарзандлар тарбиясига бўлган эътибор, душманлар билан бўлган жанглар тақдироти тўлиқ очиб берилди. Уқиган ўқувчи қалбида қониқиб ҳисси уйғонади. Ёзувчи нафақат бош қаҳрамон Амир Темурга ёки Сарофимўжонимга, балки ҳар бир образга, у кичик бўлса ҳам, маъсулият билан ёндашди, қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиб беришда бадий компонентларидан усталик билан фойдаланади, уларнинг гоҳи йилғали ва қулишларини, ички кечинмаларини гўзал ва самимий қилиб тасвирлайди. Натижада қаҳрамонлар асарда тирик одамлардай ҳаракатланадилар. Уларнинг ҳаракатларини аниқ кўриб турамыз. Ушбу романи ёзиш учун адиб жуда катта ҳаждаги тарихий манбаларни, хусусан, "Темур тузуклари", Шарифиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" сингари ва бошқа кўп китобларни ўқиб-ўрганган эканлиги сезилади.

Катъин билан ёзилган "Улуг салтанат" тарихий роман-дилогиясининг пайдо бўлишини эълан тарихий романчилигидаги ўзига хос ҳодиса деб бемалолай айта оламиз. Чунки унда буюк давлат арбоби, улуг бунёдкор, илму фан ҳомииси ва беназир саркарда Амир Темур боёмизининг ёрқин сиймоси чизиб берилган, бу ўзбек адабиётида Сохибқирон бадий образининг тўлақонли равишда биринчи марта тасвирланишидир. Роман-дилогиянинг бутунги кунда ўқувчилар томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқилаётганини, севилими асарлардан бири бўлиб қолганини сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Хулоса қилганимиз бўлса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг адабиётимизни бойитиб берган "Улуг салтанат" тарихий роман-дилогиясини ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига муносиб асар деб ҳисоблаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Гулбону АДҲАМБЕК қизи
Ўзбекистон Миллий университети магистранти



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Зарра миннат билмагай жони равон, Бокхи, беминнат окур оби равон.

Истаса елни жиловлар, норни, Гулдин афзал айлагай ул хорни.

Зарралар сонига етгайму киши?

Тийра кўздир у тириклик қасдида, Не керак кўз унга тупроқ остида?

Маъни бир куш эрса, сўздир ошён, Тан—арикдан жон суви оққай равон.

Икки кўза сувга қатра—бир емиш, Бир ҳовузча сувга томчи не эмиш?

Рух ичингда эрса, нафс олдингадир.

Йўлчига лозим ҳамиша раҳнамо, Йўқса ул йитгай, адашгай дашт аро.

Чол гўдакни эркалаб, «ти-ти» дегай, Гарчи идроки жаҳонни қамрагай.

Йўлаким, дарёга жаҳл этса ҳовуз, Ўз-ўзин ул маҳв этгай шубҳасиз.

Жонимиз афзун чу ҳайвон жонидин, Бас, хабардорлик баланд бўлгонидин.

Эй биҳишда излаган янтоқ, тикан, Унда сендин ўзга янтоқ бормикин?

Тушса ахлатга куёш нури, не бок, Нур бўлиб қолгай ҳамиша нури пок.

Ул ёмон феъл эрса одат, бас, сенга, Кўй бу одатни, деган ёқмас сенга.

Нафс доим бадгумондир, ур уни. Хужжату исбот киритмас ақлини.

Ҳар бир ишда ўртача йўл танлагил.

Бир ариқ сув тевага сувмас магар, Лек ўшал сичқонга чун баҳри Ҳазар.

Ул бировким, Каъбага боргай яёв, Ҳансираб, масжид боролмас бул биров.

Аввалу охирни кимса билмамиш.

Ул сиёҳу ул қалам фоний эрур, Бул азиз сўзу суҳан боқий эрур.

Сенда кўз уйғоғу дил ухлоқ эрур, Менда кўз ухлоғу дил уйғоқ эрур.

Чунки мен ўйларни ортга ташладим, Унданам юксакка ўзни бошладим.

Сен масалдин маъни изла.

Яхшилар афсона сўйлар яхшига, Сен ёпишма сувартига, нақшига.

Ҳаддидин ошганга лойикдир жазо.

Биттаси дедики, бас, олдим билиб, Рост кўрингай эскига қинғир бўлиб.

Гар гилайкўзга десанг, ой биттадир, Ул ишонмас, дер: сўзингда шубҳадир.

Ҳолига кулса биров, ҳақсан деса, Яйрагай ул, майли, ҳатто панд еса.

Ҳар қачон ёлгон бўлур ёлгонга ёр. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ — СОҒЛОМЛИК ГАРОВИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ Йўналишларидан бири жамиятнинг барча аъзоларига, шу жумладан, жисмоний ва интеллектуал доираси чекланган шахсларга жисмоний ҳаётда иштирок этишда тенг имкониятлар берилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорига асоси ногирон болалар ўртасида Бухоро шаҳрида Халқаро Махсус Олимпия ўйинлари ўтказилди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Польша, Туркия, Озарбойжон мамлакатларининг спорт жомалари иштирок этдилар. Ушбу спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жомалари ҳам қатнашди.

Спорт мусобақаларида «Муруват» болалар ўйлари, махсус мактаб-интернат ва ёрдамчи мактабларнинг ақлан заиф бўлган тарбияланувчилари бадминтон, баскетбол, футбол, гимнастика, бадиий гимнастика ва енгил атлетика каби спорт турлари бўйича беллашдилар.

Мусобақа доирасида пойтахтимизда махсус Олимпия ташиқлотининг «Оила» дастури асосидаги анжумани бўлиб ўтди ва унда мутасадди раҳбарлар, тегишли вазирлик ва ўрта умумтаълим мактаб ва олий ўқув юртлирининг вакиллари иштирок этдилар. Унда қатнашчилар республикамизда ва чет элларда ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ижобий ва амалий фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Махсус олимпиада, бу — ақли заиф болалар ва катталар учун йил бўйи ўтказиладиган спорт машғулоти ва беллашувларнинг дунёдаги энг йирик дастуридир. Жаҳоннинг 167 мамлакатидан икки миллион спортчи Махсус Олимпиаданинг қатнашчиси.

Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси ҳозирги пайтда интеллектуал доираси чекланган болалари бор бўлган 1000 нафар оилани ишга жалб қилган. Улар ўз болалари ҳаётида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Республиканинг мактаблари, олий ўқув юртлири, давлат ташкилотларидан 7000 нафар волонтер машғулотлар, мусобақа ва тадбирлар ўтказишда фаол ёрдам бермоқдалар.

Албатта бу борада олиб борилаётган ишлар ногирон ва ақли заиф болаларнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини янада исботламоқда.

Ҳамид ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Ёш журналистлар» клуби аъзоси

МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 10-ТУРИДА ПОЙТАХТ ШАРАФИНИ ХИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ИККИ ЖАМОА — «ҚУРУВЧИ» ВА «ПАХТАКОР» ЎЗАРО БЕЛЛАШДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, олий лигада илк бор қатнашётганига қарамай, «Қурувчи» жамоаси футболчилари чемпионга муносиб қаршилик қила олишди. Майдон марказидан рақиб дарвозаси томон ҳужум уюштиришда, тўпни жамоадосишга аниқ узатиб, комбинацион ўйин намойиш этишда Равайн Хайдаров шогирдларидан асло қолишмаган «Қурувчи» жамоаси аъзолари 39-дақиқада ҳисобни очигаш муваффақ бўлишди. Ҳакам томонидан белгиланган пеналь-

Футбол ЖАНГОВАР ДУРАНГ

тини Сергей Лушчан аниқ амалга оширди — 1:0.

Ана шу тўп пахтакорчиларни гўё уйқудан уйғотгандек бўлди чоғи, тезда вазиятни тўғри баҳолаб мезонлар дарвозасини чиройли комбинациялар остида ишғол қилишга интила бошлашди. Павел Бугало кўриклаётган дарвоза олдида ҳужумлар шу қадар кучайдики, учрашув ҳам қизиқарли кечди. Бирок, 87-дақиқадагина пахтакорчилар ҳужуми Элдор Магдиев аниқ ақлдан муваффақ бўлди — 1:1.

Колган уч дақиқа ичида ҳеч бир жамоа гол уришининг умидасидан чиқолмади ва томон-

лар мурося йўлини танлашга мажбур бўлишди.

Колган учрашувлар куйидагича якунланди: «Насаф» — «Бухоро» — 2:0, «Андижон» — «Навбахор» — 3:1, «Нефтчи» — «Самарқанд — Динамо» — 3:1, «Вобкент» — «Қизилқум» — 0:1, «Локомотив» — «Машъал» — 0:0, «Шўртан» — «Тўпаланг» — 1:0.

Ушбу турдаги «Металлург» — «Трактор» баҳси бошқа кунга қолдирилди.

Ўзбекистон XVI миллий чемпионати 11-тур беллашувлари 26,27,28 май кунлари бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТОШКЕНТДА БРИТАНИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДРАМАТУРГИЯСИ КУНЛАРИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 22-29 МАЙ КУНЛАРИ «ИЛҲОМ» ТЕАТР СТУДИЯСИДА «ИЛҲОМ», «ШАРҚ, ГАРБ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БРИТАНИЯ КЕНГАШИ КЎМАГИ БИЛАН ЗАМОНАВИЙ БРИТАНИЯ ДРАМАТУРГИЯСИ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Томошабинлар таниқли британиялик драматургларнинг сахна асарлари билан танишдилар. Патрик Марбернинг «Якинроқ», Жез Беттерворднинг «Тунги лайлак», Мартин Мак Донахнинг «Инишмор оролидан келган зобит», Марк Равенхиллнинг «Аниқ полароид тасвирлар» каби спектакллар шулар жумласидан.

М.Равенхилл замонавий театрлар санъатида кўзга кўринган муаллифлардан ва Британия драматургиясидаги таъбир жоиз бўлса «янги эп-

кин» — асосчиларидан бири ҳисобланади. Унинг илк пьесаларидан «Аниқ полароид тасвирлар» асари театр оламида жунбушга келтириш билан бирга, муаллифга ғаламис ва жанжалкаш деб ном қозонишига сабаб бўлди.

Борис Ғофуров, Алёна Мустина, Рустам Эсонов ва Антон Пахомовлардан иборат режиссёрлар гуруҳи спектакллар устида ишлашмоқда. Саҳна кўринишларида «Илҳом» театри артислари иштирок этишади.

«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

M. S. TURSUNXO'JAEVA NOMLI TIBBIYOT KOLLEJI
2007-2008 o'quv yili uchun quyidagi mutahassisliklar bo'yicha abituriyentlarni qabul qiladi
1. Hamshiralik ishi
2. Akusherlik ishi
3. Stomatologiya (tish texnigi)
1. 9-sinf ma'lumotiga ega oquvchilar uchun o'qish muddati— 3 yil.
Abituriyentlar 2 fan majmuasi bo'yicha mahsus sinovlardan otadilar:
1. Ona tili va adabiyoti.
2. Biologiya.
Abituriyentlardan quyidagi hujjatlar talab qilinadi:
1. Direktor nomiga ariza.
2. Ma'lumoti haqidagi hujjatning asl nusxasi.
3. O86/U shaklidagi tibbiy ma'lumotnoma.
4. 3x4 hajmli 6 ta fotosurat.
5. Turar joydan ma'lumotnoma.
6. Abituriyent pasportini yoki tug'ilganlik haqida guvohnoma hamda harbiy xizmatga aloqadorligi haqidagi hujjatning asl nusxasini ko'rsatadi.
MANZILIMIZ: Toshkent shahri, Sobir Rahimov tumani, Qoraqamish 2/5, O'razboev ko'chasi, 17-a uy.
Avtobuslar: 82,87,100,76,85,65,131
Mikroavtobuslar: 87,19,120,32,10,35,86,194
Tramvaylar: 18
77-sonli dorihona Qoraqamish kompleks bozori bekati
Telefon — 391-72-14

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ
2007-2008 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчиларни ўқишга қабул қилади:
КУНДУЗГИ БЎЛИМ: (9-синф базасида)
1.Сув хўжалиги ва мелиорация
2.Автотранспорт воситаларига техник хизмат қўрсатиш ва таъмирлаш
3.Бухгалтерия ҳисоби
4.Менежмент
5.Молия
6.Солиқ ва солиққа тортиш
7.Банк иши
Ўқишга киришни хоҳловчилар коллежнинг консультатив марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим. (9-синф маълумоти билан 31 июлгача қабул қилинади).
1.Коллеж директори номига ариза
2.Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
3.0-86/У шаклидаги тиббий маълумотномаси
4.3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат
5.Доимий яшаш жойидан маълумотнома
6.Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспорт нусхаси (гувоҳноманинг асли ва ҳарбий билет ёки гувоҳномаси шахсан кўрсатилади)
КОЛЛЕЖ КУЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ПЕДАГОГЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Қуйидаги фанлардан малакали ўқитувчиларни танловда қатнашиш учун таклиф қилади:
Миллий истиқлол ғояси, шахс ва жамият, тарих, давлат кадастри, молия иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, математика, информатика, психология, биология, инглиз тили.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.
Мўлжал: Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ёнида.
Транспорт: 95, 89, 88-автобусларнинг «Гидрометцентр», метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати.
Маълумот учун телефонлар: 137-09-62; 137-09-61.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ ОТА-ОНАЛАР ВА АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Сизларни 2007 йил 25 май соат 9.00да институтимиз маданият саройида ўтказиладиган эркин мулоқот даврасига таклиф этамиз.
Тадбир давомида Марказий Осиё минтақасида автомобиль транспорти ва саноати ҳамда йўл иншоотлари соҳаларига кадрлар тайёрлашда етакчи ҳисобланган институтимизда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун яратилган шароитлар, ўқув-лаборатория базалари ва профессор-ўқитувчи устозлар билан танишилади. Иштирокчиларни қизиқтирувчи барча долзарб масалалар бўйича олий ўқув юрти, академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари билан эркин суҳбат ўтказилади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 20.
Мўлжал: Санъат музейи. Тел: 132-13-85, 133-19-25.

Мунажжим башорати
ИШЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИНГИЗНИ КЎРСАТИНГ
24 МАЙ, ПАЙШАНБА
Куннинг биринчи ярми хайрихоҳлик рамзи остида ўтса, иккинчи ярми қисмат қудрати билан боғлиқ бўлиб, унга қарши чора кўришга инсон ожиз бўлади. Бугун ерга ишлов бериш, экинларни парваришлаш хайрли бўлади. Бугун, шунингдек, узоқ муддатли шартномалар тузиш, муҳим ҳужжатларни имзолаш учун ҳам қулай пайт ҳисобланади. Бекорчилик қатъиян ман этилади.
Ой тақвимиининг бугунги куни алдовлар ва хом ҳаёллар билан боғлиқ бўлади. Кунни осойишта ва кундалик юмушлар билан ўтказган маъқул. Кўп нон уволқларни кўриш бугун боғлиқ ва қийин дамларда қўмак келишини билдирувчи хушхабар ҳисобланади.
БУГУН:
— саёҳат ва хизмат сафарларига йўл олиш, янги турар-жойга кўчиб ўтиш;
— ихлол билан меҳнат қилиш — омадингиз кўп жиҳатдан ишчанлик қобилиятингиз ва эътиборингизга боғлиқ;
— бир йўла бир неча иш билан шугулланиш;
— янги танишлар орттириш;
— тижорат ва воситачилик ишлари билан банд бўлиш;
— ўқш ва хизматга доир ва бошқа хил кундалик муаммоларни ҳал этиш тавсия этилади.

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 406

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2884 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Тошпирилган вақти: 13:22